

**ЎСМИРЛАРДА ДЕСТРУКТИВ АХБОРОТЛАРГА НИСБАТАН  
МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

**Тургунбаев Жумадилло Хабибулло ўғли<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Тошкент давлат шарқшунослик университети

*Психология мутаҳассислиги*

*1 босқич магистранти*

**ИНФОРМАЦИЯ  
О СТАТЬЕ**

**ИСТОРИЯ  
СТАТЬИ:**

*Received: 07.01.2025*

*Revised: 08.02.2025*

*Accepted: 09.02.2025*

**КАЛИТ СҮЗЛАР:**

индивидуид,  
деструктив хулқ,  
Делинквент тур,  
Девиант тур,  
Психологик  
коррекция, психологик  
консультация.

**АННОТАЦИЯ:**

*Мақолада Ўсмирик даврида деструктив хулқ кўринишлари муаммосини ўрганилганлик холати ва Девиант хулқли ўсмирлар шахсий ривожланиши ва хулқ авторининг психологик коррекцияси, Ўсмирларда деструктив хулқ кўринишларини олдини олиши психологик профилактикаси, хуласалар билан танишиши мумкин.*

Инсон хулқида жамиятда қабул қилинган меъёр ва мезонлар ижтимоий тараққиёт жараёнида шаклланган, ижтимоий тараққиёт омилларидан бирига айлангандир. Ушбу меъёр ва мезонлар нафақат ижтимоий барқарорликка, балки индивиднинг ўзини ҳам рухий барқорорлик ва тараққиёти учун зарурдир. Жамиятда ахлоқий маънавий маданий хулқ кўринишлари шаклланиш ушбу талабалар даражасидан оғиш масалалари қадимдан алломаларимиз томонидан алохида эътибор бераб келинган.

Ахлоқий меъёrlардан оғиш муаммолари, Абу Наср Ал Форобийнинг «Бахтга эришув йўлини қўрсатувчи китоб», «Бахтга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг ҳикматлари», «Фозил одамлар шахри» сингари асарларида кўтарилиган. Аллома ўз қафашларида фазилатга жуда катта ўрин беради. Арастуга ўхшаб, у ҳам фазилатларни

икки қисмга фозоил нутқия (ақл -идрокка асосланган фазилатлар) ва фозоил хулқия (хулқий фазилатлар) га ажрағ тади ҳамда уларнинг ўрталик хусусиятларини таъкидлаб ўтади. Буюк ватандошимизнинг фикрича, инсонга уни гўзал амаллар қилиш учун йўналтирадиган одат маҳсули бўлмиш етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хатти ҳаракатларда меъёрга қай даражада сақлангани билан боғланади.

Инсондаги деструктив хулқ табиати хозирга кадар психология фанида ҳали яхши ўрганилмаган муаммолардан бири саналади. Бу муаммо 20 асрнинг ўрталарида шаклланган. Деструктив хулқ - жамиятда қабул қилинган ижтимоий хулқ кўринишларига зид бўлган, ҳар қандай муқобил фикрларни инкор этишга йўналтирилган хулқ кўринишлари. Деструктив хулқ нафақат инсонда маълум бир ижтимоий муаммоларни, балки унинг жисмоний соғлигига ҳам муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Деструктив хулқ иккита асосий турларда намоён бўлади

1. Делинквент тур - жамиятда қабул қилинган ижтимоий хуқуқий меъёrlарга қрама қарши бўлган хатти - ҳаракатларга хулқнинг ийўналганлиги (маиший ходисалари, қўполлик, оилавий низолар)

2. Девиант тур - жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёrlарга қрама - қарши хулқ кўри ншларни намоён этиш (алкоголизм, суицид наркомани) меҳр мухаббатга эга бўлмаганлиги.

Деструктив хулқнинг барча кўринишларида инесоннинг маълум бир химоя реакциялари сифатида юзага келса да бироқ нерв системасида бузилишлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Деструктив хулқ болалиқдаги салбий эмоционал кечинмалар, ота онанинг болага нисбатан эмоционал совуқконлиги натижасида зарур вақтларда улардан етарли даражада меҳр мухаббатга эга бўлмаганлиги, наслий омиллар бўлиши ҳам мумкин.

Психологик коррекция - бу кент маънода амалий психологикнинг шундай шакли ва усулдаги фаолиятки, бу фаолият инсонни психологик, ақлий ва шахсий ривожлантиришдаги заифликларни тузатишларга қаратилган бўлади. Психологик коррекциянинг мақсади: шахс психик кўрсаткичларини меъёрга келтириш, инсонга жамият талаблари асосида психик бузилишларнинг асоратли даражага етмасдан туриб фаолият кўрсатиш учун мақбул (оптималь) шароитларни яратишdir. Ўсмирлар билан ўтказиладиган педагогик-психологик коррекция, аввало, оиласда ўсмир шахси ривожланиши учун мақбул бўлган психолгик мұхитнинг шаклланишига эришиш, унда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлик ҳамда

хурматга асосланган жамоани жипслаштириш, ўсмирларда ўз-ўзини намоён этиш имкониятларини топа олишига имконият яратиш, уларнинг қизиқишлиари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ижтимоий фойдали фаолият йўналишларига жалб этиш, ўз олдига қўйган мақсад, шунингдек, истиқболли режаларни амалга ошириш мотивациясини шакллантириш каби вазифаларни қамраб олади.

Ўсмилик даврига хос психологик диагностика ва коррекция қўйидагилар билан тафсифланади:

- Психологик ёрдамни орқага суришнинг мумкин эмаслиги;
- Деструктив хулқ-авторнинг шаклланишига олиб келувчи психологик установкаларни аниқлаш ва коррекциялашга йўналганлиги;
- Ижтимоий-психологик мослашувчанлик даражасини таъминловчи, шунингдек, индивид барқарорлиги ва шахсий юксалишига хизмат қилувчи, турли кўринишдаги шахслараро низоларни ҳал этишининг янгича усусларини излаб топиш ва тренингни амалга оширишдан иборат. Психологик диагностика ва психокоррекция одатда учта асосий вазифани бажаради
- Психологик қўллаб-қувватлаш;
- Психологик аралашув;
- Ижтимоий-психологик мослашув даражасини ошириш.

Психологик диагностика ва коррекциянинг бир неча босқичлари мавжуд булат:

- Психологик алоқа ўрнатиш;
- Деструктив хавф бўлган ҳиссиятни очиб бериш;
- Хулқ-автор муаммоларини ечиш ва адаптив қўнималарни сафарбар этиш;
- Хоҳишга кўра, шартнома тузиш.

Психологик коррекциясининг маҳсус бўлган маъноси психолог «нимани тузатмоқчи» бўлишига боғлиқдир. Деструктив хулқ-авторли ўсмирлар билан ишлашнинг умумий тамойилларини қўйидагилар ташкил этади:

- Биринчи лаҳзадан эмпатик, интенсив-эмоционал хайриҳоҳлик тузи, ўсмирга нисбатан норасмий муносабатни ўрнатиш;
- Ўсмирнинг хоҳиш- истаклари, ташвишлари ва қўрқувлардан халос бўлишига имкон бериш;
- Имкониятларини фаоллаштириш;
- Анонимлилик талабига риоя этиш.

Ўсмирлар билан амалга ошириладиган биринчи сухбат жараёнининг асосий вазифаларини қўйидагилар ташкил этади.

Булар;

- Эмоционал тангликни камайтириш;
- Салбий ҳиссиётларини - тўсиб қўйиш;!
- Ўсмирни қийин вазиятларни енгиб ўтишга сафарбар қилиш;
- Ушбу инқироз жараёнидаги психологик шикастланиш (жароҳат) ҳолатлари эҳтимоли ва уларга адекват жавоб қайтаришга тайёрланиш;

Ўсмирнинг эътиборини муаммолли вазиятдан ўзининг ички муаммоларига қаратган ҳолда унинг навбатдаги психологик ёрдамини қабул қилишнинг мотивациясини кучайтириш. Бу жараёндаги қийинчилик шундаки, нисбатан қисқа муддатли психологик диагностика ва коррекция жараёнида ўсмирнинг юксак мотивацияга эга бўлишида яққол қўринади.

Психологик коррекция, психологик консультация (маслаҳат бериш) билан узвий боғлиқ, у психологиянинг мустақил бўлимиdir. Айнан, якка тартиbdаги психологик маслаҳатлар турли ҳаётий, шахсий ва бошқа шу турдаги муаммолари бор инсонларга ёрдам беради. Maxsus ташкил этилган мулоқот сухбат давомида психолог ёрдамида шахс ўзидаги бор кучларни сафарбар кила олиши мумкин. Айнан, шу қўшимча психологик куч-қувват ва қобилият, инсоннинг қийин муаммоли ҳолатлардан чиқишига ёрдам беради. Маслаҳат бериш усувларини қўйидагича тузиш мумкин:

1. Ҳаётий қўникмалар, тренинглар;
2. Инсонларнинг ўзаро алоқаларининг тренинги;
3. Муаммони ҳал қилиш ва мухим қарор қабул қилиш тренинги;
4. Қобилиятларни йуналтириш ва ривожлантириш;
5. Ўзининг ривожлантиришга, ўз устида ишлашга ёрдам.
6. Ижтимоий мослашувчанлик даражасини юксалатириш

Деструктив хулқга қўринишлари намоён бўлгна ўсмирлар билан ўтказиладиган психологик профилактика З босқичда амалга оширилади.

Бирламчи профилактика деструктив хулқ турларини намоён бўлишини олдини олиш мақсадида амалга оширилади Деструктив хулқ ўсмир соғлиги, ҳаётини учун хавфли эканлигини тушунтириш ишлари олиб борилади бу босқичда ўсмирларнинг ўз соғликлари учун қайғуриш хисслари етарлича фаолашмаганлиг, уларнинг ҳаётий тажриба ва қўникмалари етарлича эмаслигини инобатга олган ҳолда унинг ушбу омилнинг субъектив учун ахамиятини англашига алоҳида эътибо берилиши зарур.

Иккиласми профилактика шаклланган деструктив хулқ турларини мураккаблашиши, олидини олиш мақсадидаамлга оширилади. Ушбу босқичда

деструктив хулқнинг сабаб ва оқибатлари тўғрисида мунозаралар, давра сухбатлари, ижодий иншолар ўказилиши асосида ўсмир ўз ўзини англаши, ўзидаги хиссиётларни рефлексиқ тушунишга ёрдам беради. Иккиламчи профилактика амалга оширишда тақиқ жазолаш, тушунтириш, вербал профилактика методларидан фойдалнилади ўзаро эмоционал яқин сухбатлар жараённида ўсмир учун унинг соғлигиучун тадвиотчилар ўсмир билан ишлашда фақат вербал проофилатиканинг ўзи етарли эмас деб хисоблайдилар бу ўринда ўсмирга муқобил диференциал ёндошув асосида хулқ кўриншларини таклиф этиш зарур соғлом турмуш тарзи, яқин дўстлар билан бирга бўш вавқтларини ўтказиш, оиласвий юмушларда ўз хиссасини қўшиш, уй хавйонларига ғахўолик ва психологияк тренинглар шунингдек ўсмирларда конструктив хаётини оширишга ёрдам беради.

Учинчи босқич асоратларни тузатиш. Мулокот тренинглари, давра сухбатлари, ўсмирлар учун эмоционал кўтаринги рух яратувчи кўнгил очар тадбирлар ташкил этиш. Барча босқичларда ўсмирлар бўш вақтларини тўғри ташкил этилиш масласи алоҳида эътибор талаб қиласди.

## ХУЛОСА

Ўсмилик даври онтогенетик тараққиётнинг энг мураккаб палласи ҳисобланади. Ўсмилик даврининг энг асосий хусусияти психик ва жисмоний ёки психик ва соматик жараёнлар интенсивлиги билан характерланади. Айнан шу даврда тез толикиш, жисмоний заифлик, турли касалликларга мойиллик холатларини қузатиш мумкин. Буларнинг барчаси психосоматик ўзгаришлар хисобланиб, психик ва соматик жараёнлар ўзаро узвий боғлиқлигининг натижаси саналади. Ўсмилик дарида деструктив хулқ кўриншларини намоён бўлиши девиант деликвент аддиктив хулқ кўриншлари таъсирида намоё бўлиши, ўсмилик даврининг ўтиш даври хусусияти сифтида вақтинчалик ахмият касб этиши маълум бир эҳтиёжлар фрустрациясига жавоб реакцияси сифатида намоён бўлиши ҳам мумкин. Ўсмиларда деструктив хулқ кўриншларини намоён бўлиши муаммоси комплекс характерга эга бўлиб психолог, психиатр, педагоголар, ота оналар махалла фаоллари, ўсмир таълим таълим тарбияси учун мутасадди бўлган барча ижтимоий хизмат ходимларининг хамкорликда фаолияти асосида амалга оширилиши ушбу муаммони бартараф этиш имконини беради.

## Амалий тавсиялар

Ўсмиларни бўш вақтларини таълим муассасидаги тенгдошлари биргаликда ўтказилишини ташкил этиш - Уларни турли маънавий маърифий йўналганликда

ташкыл этилган тадбирларда иштирок этиш мотивациясини шакллантириш. Иштироки учун мақбул шароитларни яратиш - педагог ва психологларни деструктив характалрга мойиллик аниқланган ўсмиirlар ота оналари билан яқиндан хамкорлыгнни мустахкамлаш.

Амалиётчи психологлар томонидан ушбу ўсмиirlар учун индивидуал маслахатлар ўтказилиши бу маслахатларга ўсмир дастрлабки учрашувлар - тасодифий характерга эга бўлиши мумкин.

Коррекцион тадбирлар самара бермаган вазиятларда психотерапевт психиатр кўригидан ўтказиш масаласида ота оналар билан сухбатлар ўтказиш. ўсмирнинг ҳар бир эришга ютуғини таъкидлаш асосида янги натижаларга интилишини қўллаб қувватлаш.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бандура, А. (1977). Селф-эффикакӣ: Товард а унифийинг теорй оғ беҳавиорал чанг. Псайчологикал Ревиев, 84(2), 191–215.
2. Фреуд, С. (1920). Беёнд тҳе плеасуре принсипле. Ҳогартҳ Пресс.
3. Каримова, З. (2015). Ёшлар орасида деструктив хулқ-атворни олдини олишнинг педагогик чоралари. Психология ва Педагогика Илмий Журнали, 4(2), 45–52.
4. Абдуллаев, А. (2020). Ўзбекистон ёшларида агрессив хулқ-атворнинг психологик омиллари. Жамият ва Ёшлар Психологияси, 5(3), 25–33.
5. Шарипова, М. (2021). Деструктив хулқ-атворга қарши ижтимоий-психологик чора-тадбирлар. Ижтимоий Фанлар Академияси Илмий Асарлари, 7(4), 54–60.
6. Юлдашев, Б. (2019). Ёшлар орасида деструктив хулқ-атворнинг профилактикаси ва у билан курашиш усууллари. Миллий Университет Психология Факултети Журнали, 2(6), 33–40.